



MILLIY TIKLANISH

3 (375) ● 2016 йил 20 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонун аҳолини сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлашга хизмат қилади

Ўтган йилда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси “Ёшлар қаноти” 4 мингдан ортиқ тadbир ташкил этди

ЎЗМТДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳасига партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўз муносабатларини билдирдилар

Муносабат

2016 йил янада самарали бўлади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш каби эзгу мақсадлар муҳим.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари, ҳар бир соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда истиқболдаги режалар хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Маърузада мамлакатимизда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари барча соҳада амалга оширилаётган саноат-ҳаракатлар, эришилаётган юқори ўсиш суръатларида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Биргина тadbиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини энгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани мазкур соҳага оид муносабатларни тартибга солиш ҳамда унинг ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Tadbirkorлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фаолияти кафолатларини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларни халқаро ташкилотлар ҳам алоҳида эътироф этмоқда.

> 2-бет.

Фракция нуктаи назари



Қонун лойиҳаси такомилли учун

малакали ва ҳаётий таклифлар илгари сурилиши лозим

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган ва қўйи палатада муҳокама қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳаси партия фракциялари, жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан ўз дастурий мақсадлари ҳамда сўловолди Платформасида белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда кенг ва атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Ушбу жараёнда конструктив руҳдаги баҳс-мунозаралар, ўзаро кучли рақобат ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси юзасидан кечаётган фракциялараро баҳс-мунозарада ҳам кўришимиз мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш соҳасидаги муносабатлар 1996 йилда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Ушбу қонун халқаро талабларга жавоб бериб, бухгалтерия ҳисобини сифатли ва ишончли юритиш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди ва бу борада қатор янгиликлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлар учун бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизими жорий этилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизга чет эл инвестициялари кенг жалб этилиши ва маҳаллий корхоналарга илғор хорижий технологияларнинг жорий қилинишида муҳим ўрин эгаллади.

> 2-бет.

Миллий гуруҳ

“Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз”



Мамлакатимизда ёш авлоднинг замонавий билим олиши, куч ва салоҳиятини тўла намоён қилиши, ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Хусусан, таълим ва спорт соҳалари ёш авлод камолотининг муҳим омилли сифатида изчил ривожланмоқда.

Бугун, айниқса, халқаро майдонда эришилаётган муваффақиятларда спортчи қизларнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Бу, энг аввало, юртимизда болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, бу жараёнда қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга қаратилган доимий эътибор самарасидир.

...2015 йилнинг август ойида Босния ва Герцеговинанинг Сараево шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

> 6-бет.

Сарҳисоб

Мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлаш ва мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққиёти эътибор билан давлатлар қаторидан ўрин эгаллашда таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, ёшларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш алоҳида аҳамиятга эга вазифадир. Чунки юрт тараққиётида маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимлар ва мураккаб технологияни пухта эгаллаган, иродаси бақувват, иймони бутун, юксак салоҳиятли авлод муҳим ўрин тутати.

Баркамол авлод тарбиясига кўмаклашиш — асосий вазифамиз

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этиши инобатга олинса, уларни маънан баркамол, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида устувор масала эканлиги яққол намоён бўлади. Юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан энг муҳим масалалар қатори ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ғоя устувор аҳамият касб этаётир.

> 3-бет.

Ташаббус натижа берди

Қарор ижроси депутатлар назоратида

халқ депутатлари Кармана туман Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи қиритган ташаббус-масала ижобий ечим топмоқда

Инсон табияти ва дунёқарашидagi барча яхши хислатлар, аввало, оилада куртак ёзади. Одобли, билимли ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг қатта бойлигидир. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, муқаддас даргоҳ ҳисобланмиш оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

Халқимиз янги оила қуришни тўй-тантана билан нишонлайди. Кўпчиликнинг гувоҳлигида оила қурган йигит-қиз оила масъулиятини, унинг муқаддаслигини теран англайди. Тўйлар ҳам ижтимоий-иқтисодий хусусиятга, ҳам маданий аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир миллатнинг урф-одатларини намоён этувчи ўзига хос кўзгу саналади. Шу боис тўйлардаги кимўзарга берилиш каби маънавийтимизга зид “одат”ларга чек қўйиш ҳам энг долзарб масалалардан. Айрим тўй ва маросимларда исрофгарчилик, манманлик, ким ўзарга ҳаракат қилинаётгани боқий қадриятимиз ҳисобланган тўйни ортиқча ҳашам ва ноўрин даҳмазалар томошасига айлантириб қўяётгани сир эмас.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Йўл ҳаракати қоидаларидаги янгиликлар
 энг аввало, фуқаролар соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилади



> 6-бет.

Словакия парламенти

Миллий кенгаш кўмиталари, депутатлар ҳамда ҳукумат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга



> 7-бет.

Суратлар қатидаги тарих

илк ўзбек сураткаши Худойберган Девонов музейида бир кун



> 8-бет.

